

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017 .E.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРОҚОВА ОЙСУЛУВ ЖАМОЛИДДИНОВНА

**ЧЎЛПОН БАДИИЙ ИЖОДИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ-ЭСТЕТИК
АСОСЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

УЎК: 18/17.024:(092)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна

Чўлпон бадий ижодининг концептуал-эстетик асослари.....3

Уракова Ойсулув Жамоллиддиновна

Концептуально-эстетические основы художественного творчества
Чулпана.....17

Uroqova Oysuluv Jamoliddinovna

Conceptual – aesthetical base of Chulpan’s literature work.....33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....36

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017 .F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРОҚОВА ОЙСУЛУВ ЖАМОЛИДДИНОВНА

**ЧЎЛПОН БАДИИЙ ИЖОДИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ-ЭСТЕТИК
АСОСЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fa172 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудова Гули Тилабовна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Болтабоев Хамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор
Мухторов Азамат Мухторович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc. 27.06 2017.F 01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади.

(Манзил 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5- қават, 511 –хона. Тел (+99871) 227- 12- 24; факс: (+99871) 246- 53- 21, (+99871) 246- 02-24; e- mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел (+99871) 236- 46- 55; факс: (+99871) 246- 02-24)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ тарқатилди
(2018 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси)

Н.Х. Ҳақимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Б. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.

М.А. Нурматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д. профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибасидан маълумки, чўлпоншунослик тадқиқотлари Туркия, Франция, АҚШ, Германия, Япония, Россия, Қозоғистон ва бошқа хорижий давлатларда амалга оширилган. Чўлпоннинг серқирра ижоди шахснинг ижтимоий онги, маънавий, бадий-эстетик дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда театр, адабиёт ва матбуотнинг улкан ўрин тутишини асослаш, бу жараёнда шахс эстетик тафаккурининг шаклланиш принципларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ.

Дунёда бугун юз бераётган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар шароитида инсоннинг ўзликни англашида эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунуклик каби эстетик категорияларнинг аксиологик ва фалсафий дунёқараш контекстида ўрганиш зарурияти кучаймоқда. Шу маънода, Чўлпоннинг эстетик тафаккури ҳозирги давр дунё руҳи, даъватлари, хавф-хатари ҳамда жамиятнинг бугунги талабларига мос келиши билан ҳам долзарбдир. 2018 йил 30 апрель куни Туркия Республикасининг Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг Ўзбекистонга ташрифи жараёнида сўзлаган нутқида айнан адиб Чўлпон ижоди бугунги халқаро муносабатларда инсониятни миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ғоялари руҳида тарбиялашда концептуал аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир вақтда тарихий хотирамизни унутмай, миллий эстетик қадриятларимизга суяниб яшаш миллат маънавиятини юксалтирувчи муҳим маданий мезон ҳисобланади. Халқимизнинг фалсафий-эстетик тафаккури тараққиётига ҳисса қўшган, жумладан, жадид маърифатпарварларимиз, хусусан, Чўлпоннинг илмий, ижодий меросини чуқур ўрганиш, фалсафий ғояларини холисона тадқиқ этиш ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади. Зотан, Чўлпон асарларидаги ижтимоий адолат, миллий ватанпарварлик, ҳаётий маърифатпарварлик руҳи ўзининг тарбиявий, бадий-эстетик аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, бугун ҳам миллий ва маънавий жиҳатдан юксалишимизга хизмат қилмоқда. «Буюк юртдошимиз Абдулҳамид Чўлпонни олайлик. XX аср бошларидаги миллатимиз тақдирини, унинг бошига тушган фожиаларни, озодлик ва эркинлик қадрини ҳеч ким бу мумтоз шоиримиз каби юксак пардаларда куйлаган эмас»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора тадбирлар дастури тўғрисида»ги

¹Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 9 б

ПҚ-3271-сон қарори, 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси, шунингдек, мавзуга оид бошқа норматив- ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур муаммо тадқиқоти билан ҳамоҳанг бўлиб, Чўлпон бадиий ижодининг эстетик-фалсафий тадқиқоти бунга муносиб ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг ИДТ-І. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» дастурининг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чўлпоннинг назмий ва насрий асарлари, маърифатчилик, таржима ҳамда бадиий-эстетик мероси адабиётшунос олимлар томонидан қисман ўрганилган. Адибнинг воқеликка ғоявий-ижтимоий муносабати, мақсад ва интилишлари унинг сермахсул ижодида бадиий-эстетик жиҳатдан ўзига хос талқин этилган.

Чўлпон ижоди бўйича хорижий давлатларда ҳам илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Усмон Хўжа ўғли, Й.Бензинг, Х.Самиоглу, Тоҳир Шоқир ўғли Чигатой, Х.Ўзбой, Эдвард А.Оллворт, Темур Хўжа ўғли, Ҳалим Қора, Хисао Кўмаку¹ каби жамиятшунос олимлар Чўлпон адабий меросининг турли қирраларини таҳлилий ўрганишган. Қозоқ адиби Эсонғали Ровшанов шундай ёзган: «Ҳамалнинг от қулоғи кўринмас кўрайдин тунларида сафарга чиққанмисиз? Ана шунда олис-олисларда, кўз етмас йироқда, қоп-қоронғу осмоннинг бир чеккасини беҳосдан тилган чакмоқ борлиқни бир лаҳзада ёритиб ўтади. Бир лаҳзадан кейин олам яна қоронғуликка ғарқ бўлади. Ўзбек шоири Чўлпонни ўқиганимда ўша чакмоқ шуъласини кўз олдимга келтираман»².

Ўзбекистонда Чўлпон ижодини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг салмоқли қисми адабиётшунос олимлар ҳиссасига тўғри келади. О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, Б.Қосимов, Д.Қурононов каби тадқиқотчиларнинг изланишлари ўзбек адабиётида «Чўлпонни англаш» йўлида янги тадқиқотларни юзага чиқарди. Бу борада С.Йўлдошбекова, Д.Неъматова, Н.Йўлдошев, А.Жалолов, М.Йўлдошев, Ш.Тўйчиева, У.Султонов сингари адабиётшуносларнинг илмий тадқиқотларида Чўлпон поэзиясида бадиий образлар талқини, маъноси ва аҳамияти масалалари ҳамда театр ҳақидаги қарашларининг илмий-назарий ва бадиий аҳамиятига доир ғоялар мазмуни ўз аксини топган.

Мамлакатимизда жадидчиликнинг ижтимоий, маърифий, тарихий, ахлоқий, маънавий ва эстетик жиҳатлари фалсафий контекстда А.Айматов, Г.Маҳмудова, Ш.Мадаева, Л.Муҳаммаджонова, М.Нурматова, Б.Очилова

¹ Авторефератда исм шарифлари келтирилган бу ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Чўлпон. Шеърлар. 31.08.2015 // kh – davron. uz.kutubxona.

каби файласуф олимлар томонидан ўрганилди. Уларнинг илмий асарларида жаҳидчилик ҳаракати шаклланишининг ижтимоий-фалсафий негизлари, жаҳид намояндаларининг маърифий-ахлоқий қарашлари ва энг муҳими, уларнинг миллий фалсафий меросимиздаги ўрни ҳар томонлама таҳлил қилинган. Аммо, Чўлпон бадиий ижоди концептуал-эстетик асосларининг фалсафий жиҳатлари шу пайтгача махсус монографик тадқиқот мавзуини ташкил этмади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлар режасининг «Фалсафа илмий жамоаси» А-1-92 лойиҳа доирасидаги маънавий, тарихий меросни ўрганиш ва тадқиқ этиш илмий йўналишлари ҳамда «Эстетика назарияси ва тарихи масалалари» мавзуидаги илмий йўналишларига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади Чўлпон ижодий меросидаги бадиий-эстетик категорияларни тизимли-функционал таҳлил қилиш, адиб ижодининг шахс ва жамият маънавий камолотида тутган ўрни ва концептуал-эстетик асосларини очиб беришдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Чўлпон маънавий, бадиий-эстетик меросининг назарий-эстетик моҳиятини тизимли-функционал таҳлил орқали ёритиб бериш;

ёзувчининг миллий ва умуминсоний қадриятлар тараққиётига қўшган ижодий ҳиссасини илмий асослаш;

Чўлпон меросидаги эстетикага алоқадор мезоний тушунчаларнинг диалектик бирлигини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

Чўлпоннинг «Адабиёт яшаса – миллат яшар» ғоясининг ижтимоий моҳияти ва эстетик аҳамиятини ҳамда шахснинг эстетик юксалишидаги ўрнини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти Чўлпоннинг бадиий-эстетик ижоди ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Чўлпоннинг адабиёт, санъат бўйича юксак халқчил қарашларининг концептуал-эстетик асосларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда фанлараро ёндашув (адабиёт ва фалсафа), объективлик, тарихийлик, мантиқийлик, ворисийлик, умумлаштириш каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Чўлпон фалсафий тафаккури ва дунёқарашини ифодалаган бадиий ижоди – шеърият ва публистика эстетика мезонлари контекстида асосланган;

шоир шеъриятининг ижтимоий-фалсафий моҳияти: мажозий, романтик, реалистик йўналишлар бадиий-эстетик рамзлар воситасида ёритиб берилган;

ёзувчи ижодида адабиётнинг ижтимоий муҳит ва фалсафий ғоялар: аксиология, гуманизм парадигмаси, коэволюция билан уйғунлиги очиб берилган;

адиб фаолиятида эстетик идеал категорияси, муайян бадиий шакл ва эстетик туйғуларни объектив воқеликни баҳолашда асосий омил бўлганлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда кўринади:

Чўлпоннинг фалсафий-эстетик қарашлари ўзбек адабиёти тарихида эстетика категорияларининг миллий, ижтимоий, умумбашарий, тарбиявий мазмун-моҳиятини ифодалаши, адиб асарларидаги инсоннинг воқеликка муносабати ва тасаввурини англаш юзасидан эзгу ғояларга етакловчи имконият билан боғлиқ.

Чўлпон асарларидаги бадиий-эстетик образларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланиб, улардан миллий тарбия тизимини юксалтиришда фойдаланишнинг самарали маънавий-маърифий механизмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, Ўзбекистон Республикасининг ОАК рўйхатига кирган ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, расмий идоралардан олинган ва тасдиқланган диссертация натижалари ҳақидаги ҳужжатлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Чўлпон ижодини англашнинг фалсафий-эстетик йўналишларини баён этиш орқали миллий эстетик тафаккурни шакллантириш жараёнларини такомиллаштиришга, ижтимоий фалсафада эстетикада янги илмий хулоса ва умумлашмаларни жорий этиш билан изоҳланади.

Амалий аҳамияти унда ўз аксини топган назарий хулоса ва умумлашмалар, амалий таклиф ва тавсиялардан Чўлпон музейи фаолиятида, авлодлар хотираси билан боғлиқ маънавий-маърифий тарғибот ишларида, ахлоқий-тарбиявий йўналишдаги тадбирларда, Чўлпон ижодининг ижтимоий-эстетик жиҳатларини тадқиқ этувчи жамиятшунос олимларнинг илмий изланишларида, шунингдек, ижтимоий-фанларни ўқитишда, талабалар учун уюштириладиган мулоқот, давра суҳбатлари, ижодий учрашувларда ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши Чўлпон бадиий ижодининг концептуал-эстетик асослари бўйича ишлаб чиқилган фалсафий-эстетик таклифлар асосида:

Чўлпон бадиий ижодининг эстетик мезонларига оид хулосаларда, шоир шеърятининг ижтимоий- фалсафий моҳияти мажозий, романтик, реалистик йўналишлар, бадиий эстетик рамзлар воситасида ёритилганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан тақдим этилган «Имконияти чекланган болалар ижтимоий фаолиятининг бадиий ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви» мавзуидаги ОТ-Ф-1-100 рақамли лойиҳа доирасида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 89-03-1298-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши халқимиз, жумладан, ёшларда соф эстетик дид, гўзал ахлоқни шакллантириш ҳамда бадиий-эстетик фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Ёзувчи ижодида адабиётнинг ижтимоий муҳит ва фалсафий ғоялар - аксиология, гуманизм парадигмаси, коэволюция билан уйғунлиги, эстетик идеал категориясига доир таклиф ва тавсиялар, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон ёдгорлик музей бўлимида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 29 июндаги 01-11-08-4520-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши Чўлпон музейига ташриф буюрганларнинг ёшларда миллий ғурур, эстетик идеални шакллантириш, уларнинг келажакка ишончини мустахкамлаш ҳамда адиб ижодини ўрганишида илмий амалий натижа берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 13 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этириш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та ва 1 та хорижий журнал, илмий-амалий конференциялари материалларида 18 та, жумладан 5 та халқаро илмий-назарий конференция материалларида, 13 та республика илмий-назарий семинар материалларида илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари белгиланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чўлпон маърифатпарварлик ғояларининг фалсафий ва бадиий-эстетик моҳияти**» номли биринчи бобида Чўлпон эстетик тафаккурининг генезиси, шаклланиш тамойиллари ва назарий асослари, шоир ижодининг фалсафий, бадиий йўналишига доир муммолар тадқиқ этилган, Туркистон халқлари ижтимоий онгида маънавий ва бадиий-

эстетик дунёқарашни янгилаш, такомиллаштириш жараёнида драма, адабиёт ва матбуотнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этгани асосланган.

Диссертантнинг фикрича, Чўлпон ижтимоий турмуш диалектикаси янги куч билан ҳаракат қилаётганини ҳис қилган ҳамда аввалги ижтимоий, тарбиявий, миллий мустақиллик, озодлик руҳидаги мақола, эссе ва нутқлари, асарлари қаторида шеърий тўпламлар яратишни асосий мақсадига айлантирган. Чўлпон ижодида унинг ижтимоий онг тараққиётига таъсир этувчи «исёнкор» бадиий образлар орқали ифодалаш имконияти вужудга келган. Чўлпоннинг эстетик ҳиссиёт, эстетик кечинма, эстетик идрок каби тасаввуридаги воқеа ва ҳодисалар умумлаштирилган, унинг ижоди орқали намоён бўлиш жараёни яхлит ҳолда, тизимли равишда таҳлил этилган.

Чўлпон маърифатпарварликни ҳимоя қилган даврларда халқ руҳи, маънавиятини юксалтиришда нажот эканлигини, одамлар тафаккурида курашчанлик етишмаслигини, улардаги тафовутларни ҳис қила бошлайди ва ижодида шакл ва мазмун йўналишларини янгилаб, даъват, танқидий руҳни кучайтиради: «Ўзбегим» шеърида фалсафий мазмундаги киноя, қочирим бор:

Сўлқиллаб келасан, ўзбегим,
Маърифат отига отланиб,
Бир мири топган боладай –
Оғзингни иржайтиб суюниб¹.

Чўлпон асарларида эстетик ғоя ҳиссий, туйғули хусусиятлар билан мужассамлашган. Инсоннинг воқеликка муносабатлари орасида эстетик ғоя алоҳида ажралиб туради, бу нарса Чўлпон ижодининг барча йўналишларида кўзга ташланади. Чўлпон яшаган даврнинг мураккаблиги унинг ижодида эстетик ғоянинг ранг-баранг турланиш имкониятини вужудга келтирди.

Чўлпон назмда ҳам, насрда ҳам қандай асар яратмасин, барчасида унинг эстетик ғояси ўз ифодасини топган. Бинобарин, ёзувчининг эстетик ғояси фалсафий жиҳатдан воқелик, миллат ва жамият ҳодисаларига бадиий-эстетик қарашларини ифодалаган. Чўлпон гарчи катагон даврда яшаган бўлса-да, унинг эстетик қарашлари ўз руҳи, мазмуни ва аҳамиятини йўқотмаган, у бадиий ижодиёт миллат тарихи ва тақдирининг ойномаси эканлигини бадиий, фалсафий образлар тилига кўчирган.

Диссертацияда Чўлпоннинг эстетик тафаккури Лондондан Кавказга, Кавказдан Туркистонга, ундан Қозон ва Уфага ёйилган умумбашарий таълимот сифатида тадқиқ этилган. Адиб Туркистонни ўзининг амалий даргоҳига айлантирган. Туркистон жадиdlарининг қалби ва тафаккури иккита занжир билан боғланган эди: бири – ўз халқининг мудраган қалби, қадимий урф-одатларнинг яшаб келиши бўлса, иккинчиси – Чор Россиясининг ҳийла-найрангга бой мустамлакачилик сиёсати эди. Ана шундай мураккаб ижтимоий даврда шаклланган Чўлпон, Туркистон ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, маънавий-бадиий муаммолар ечимини топишни ўз ҳаракат дастурига айлантирган.

Диссертацияда ёзилишича, Чўлпон жадиd-маърифатчилик эстетикасининг шаклланишида қуйидаги омиллар алоҳида аҳамият касб этди:

¹ Чўлпон. Асарлар. I Жилд.- Тошкент: Akademnashr, 2016. –30 б

халқ онгини, тафаккурини ўзгартириш, янгилаш йўлида озодлик, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш лозим; ҳаётга, жамиятга муносабатда янги дунёқарашни шакллантириш; миллий юксалиш учун маданият, маърифат, адабиёт ва санъатнинг янги бадиий-эстетик тамойилларини эгаллаш; миллий маданий, бадиий қадриятларни умуминсоний жиҳатлар билан бойитиш; мамлакатда маърифатчиликни ривожлантиришни жаҳидлар асосий мақсад сифатида идрок этганлар.

Улар миллий таълим-тарбия қаторида рус-тузем мактаблари очиш, ёшларни хорижий мамлакатларда ўқитиш орқали миллий озодлик ва эркинлик туйғусини кучайтириш мақсадини киритдилар. Бунинг учун хусусий ва умумий мактабларни кўпайтириш; газета-журнал ва дарсликлар яратиш билан бирга, миллий бадиий-эстетик меросни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида адабиёт, театр, музика ва тарбиявий машғулотлар билан банд бўлдилар. Натижада бадиий адабиёт, театр ва маърифатпарварликда маданий тўлқин, бадиий ғояларнинг эстетик кучи оширилди. Шундай қилиб, Чўлпон маърифатпарварлик ғоясини инсон камолоти, элу юрт озодлиги ва мустақиллиги билан боғлади, уни ўз бадиий ижодининг асосий эстетик принципига айлантирди.

Тадқиқот жараёнида санъатда инъикос этадиган фалсафий, ижтимоий, ғоявий, миллий муаммолар уларни идрок этувчидан нозик дид ва юксак билим талаб қилиши ҳақида фикр билдирилади. Шу жиҳатдан қараганда, жаҳид-маърифатчилик эстетикасида Чўлпон ижодининг ўрнини шахс – ижодкор – маърифатчи муштараклигида талқин этиш мақсадга мувофиқ. Адиб бетакрор назм оламини яратишга қодир бўлган ва уни яратган улуғ ижодкор сирасига киради. Бунинг устига, унинг наср соҳасидаги ўрни ҳам салмоқли.

Чўлпон ижоди театр санъати билан бевосита боғлиқ. XX аср бошларида ўзбек халқи эстетик маданиятида янги ўзбек миллий театрида профессионал труппалар шакллана бошлади. Миллатни маърифат нури билан уйғотиб, озодлик ва таракқиёт тантанасини орзу қилган жаҳид зиёлилари театрга тарбия йўлидаги буюк воситалардан бири сифатида мурожаат қилдилар. Миллий театр труппаларининг шаклланишида Чўлпонинг ҳам алоҳида хизмати бор. Ўша даврда маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмасди, Туркистон учун кенг қамровли ислохотлар зарур эди. «Халқ театрга юрмайди» деган гап тарқалган пайтда, Чўлпон бунга кескин рад жавобини беради: «Халқ тиётрга юрмайди деган гап тўғри эмас, халқ юрадир. Локин тиётр-томоша исмида бўлатурган қурчоқ ўйинлариға, ўз руҳига ёт бўлган, унга англашилмайтурган таржумалик «ғарбий» асарларга юрмаса, ҳаққи бордир. Йўқ эса ўзини қизиқтиратурган заминларда ёзилган ва яхши ўйналтурган томошаларға халқ юрадир»¹.

Диссертацияда Чўлпон бадиий ижодиётидаги унинг эстетикасига доир тасаввур ва тафаккур қирраларининг ёрқин намуналари аниқланди. Жумладан, унинг наздида бадиий ижодиёт: 1) руҳий, маънавий тарбия воситаси; 2) эстетик туйғуларни шакллантиришнинг жозибали омили;

¹ Чўлпон. Асарлар. II Жилд. - Тошкент: Akademnashr, 2016. – 78 б.

3) маънавиятга йўналтирувчи гўзаллик манбаи; 4) ижодий меҳнатга йўналтирувчи муҳаббат нури; 5) инсон зохирий ва ботиний маданияти, тарбия савиясининг мезони; 6) унинг назарий, ғоявий савияси ва мафқурасини ўзгартирувчи омилдир.

Чўлпоннинг эстетик олами кенг қамровли бўлиб, таржимонлик шоир фаолиятининг муҳим эстетик бўғини ҳисобланади. Давр зиёлилари шоир таржималаридан ўша пайтда ҳам хабардор бўлганлар. Чўлпон қатор ноёб асарларни таржима қилган. Ўзбек китобхони «Ҳамлет» (В.Шекспир), «Маликаи Турандот» (К.Гоцци), «Хасис» (Мольер), «Байналминал» (Э.Потье) асарлари, шунингдек, рус мумтоз адибларидан А.Гоголь, С.Тургенев, А.Чехов насридан намуналар, М.Горькийнинг «Она» романи, «Чин», А.Файковнинг «Жомадонли киши», В.Яннинг «Хужум» пьесалари билан ўзбек китобхони илк бор Чўлпон таржималари орқали танишган. Ўзбек тағоршунослигини ҳам, Рабиндранат Тагор асарларини ўзбек тилига ўгиришни ҳам Абдулҳамид Чўлпон бошлаб берган. Чўлпон ижоди халқнинг эстетик дунёқараши ва бадиий тафаккурини юксалтириш йўллари очиқ берди. Натижада Туркистонда шаклланган жадиличлик ҳаракати миллат ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиб, янги тафаккур шаклланишига маънавий замин яратди. Жадилич маърифатчилигида эстетиканинг назарий, бадиий принциплари шаклланди ва ривожланди. Бунда адабиёт ва театр эстетик тафаккур юксалишидаги асосий йўналиш бўлди.

Диссертациянинг «**Чўлпон ижодида эстетик категорияларнинг диалектик ва мантиқий уйғунлиги**» номли иккинчи бобида Чўлпон асарларида гўзалликнинг бадиий-эстетик уйғунлиги, улуғворлик ва фожиавийликнинг ёзувчи ижодидаги ижтимоий, ғоявий, эстетик моҳияти тадқиқ этилган. Диссертацияда эстетика категорияларининг хусусиятлари назарда тутилиб, уларнинг Чўлпон ижодидаги умумий қирралари тадқиқотга асос қилиб олинди. Хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг эстетика категориялари бўйича асарларини умумлаштирган ҳолда Чўлпон ижодидаги бадиий-эстетик образлар таҳлил этилди.

Гўзаллик категорияси Чўлпон ижодида ранг-баранг тарзда намоён бўлган: олам ва борлик, инсон, миллат ва мамлакат гўзаллиги, маърифий тасаввурлар, халқ оғзаки ижодиёти, бадиий дид кўлами, ижтимоий-тарихий ҳаёт нафаси, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларни шакллантиради. Ёзувчининг ҳар бир асарида булар ўзига хос тасвир ва образлар шаклида ифода этилган.

Диссертацияда Чўлпон ижодиётида гўзаллик категорияси таҳлил этилиб, чуқур ва кенг бадиий тасвирга эга бўлгани кўрсатилган. Адиб ижодида гўзаллик бадиий-эстетик рамз сифатида ижтимоий, миллий, маънавий муаммоларни қамраб олган. Ижтимоий ҳаёт гўзаллик нуқтаи назаридан баҳоланганда гўзалликнинг олий нуқтаси бўлмиш инсонпарварлик руҳи биринчи ўринда туради. Шахс гўзаллигида эса инсоннинг жисмоний ва маънавий кўрки жамланади, ҳар бир инсон ҳаёти, вужуди, интилиши юксак идеал, «мақсадлар тарозисида» тортилади. Шу маънода, гўзаллик улуғворлик, ижобий яратувчанлик руҳи билан ҳам суғорилган.

Чўлпон ижодини, айниқса, шеърятини тадқиқ этиш шундан далолат берадики, эстетиканинг гўзаллик категорияси ахлоқий, илмий, диний категориялардан ҳис-туйғу ва образларга бойлиги, одамларга завқ бағишловчи шакли, одамларнинг уни идрок этиб қувониши ва маълум тасаввурга келишини тақозо этиши билан фарқланади.

Гўзалликни ҳис қилишда учта асосий бўғин бирлашади: 1) оғзаки ва ёзма миллий анъаналар; 2) олам, жамият ва борлиқ оҳанги, 3) ёзувчи-ижодкорнинг идеали. Уларнинг уйғунлиги гўзалликка нур сочади ва оммалашувига олиб келади. Шунинг учун Чўлпон гўзалликнинг моҳиятини инсон, табиат ва жамиятнинг уйғунлигида кўради, қачон ва қаерда бу уйғунлик бузилса, ўша вақтда ва жойда гўзаллик хиралашишини таъкидлайди.

Чўлпон ижодиётида эстетик категориялар икки йўналишда акс этган: биринчиси – борлиқ, табиат, инсон, миллат, жамият ҳаётидаги гўзаллик ва улуғворликнинг диалектик ҳамоҳанглиги; иккинчиси – фожиавийлик, кулгилилик ва юморнинг бир-биридан руҳ олиб бадийлаштирилиши.

Барча улуғворлик гўзалликдан дарак бермаслиги, инсон табиати, хулқи ва яшаш тарзи, кўриниши, идеалидан дарак берса, барча гўзаллик инсоний улуғворлик – маънавият томон йўл очади.

Улуғворлик билан фожиавийлик ўртасида руҳий, онгли, жисмоний яқинлик мавжуд. Барча улуғворлик фожиавийлик билан тугамаслиги, айна вақтда, фожиавийликда маънавий, жисмоний улуғворлик руҳи ҳам бўлиши мумкин.

Эстетиканинг бу категориялари мавзу, ижодкор мақсади ва дунёқарашига биноан турли кўринишларда намоён бўлади, лекин уларнинг бадий-маънавий мазмуни, йўналиши инсонни улуғлаш, унинг гўзал табиати, хатти-ҳаракатидан дарак бериши билан яқунланади.

Улуғворлик инсон, Ватан, халқ ҳаётида улғайиб, кенгайиб кўринади, фожиавийлик характер, хулқ-одоб, дунёқараш зиддиятларининг алангаси бўлиб қарор топади. Эстетиканинг гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик категориялари, диссертацияда қайд этилганидек, қиёслаш, воқеалар, ижтимоий муҳит хусусиятлари, мақсад ва идеаллар орқали аниқ намоён бўлади.

Чўлпон тасаввурида улуғворлик муҳим белгилари билан гўзаллик ва фожиавийликка яқинлашса-да, инсон ҳаёти, фаолияти билан алоқадор воқеаларнинг мураккаблаши, оддийлашиб боришига тақалади.

Тадқиқотда таъкидланишича, қайси фожиавий сюжетда трагедия намоён бўлаётган воқеаларда зиддиятнинг умуминсоний аҳамияти холисона изоҳланса, зиддият вафожианинг сабаб ва оқибатлари тўғри очилади. Бунда муайян ижтимоий-тарихий муҳитга қараб асарнинг умумбашарий аҳамияти белгиланади. Чўлпон «Мен ва бошқалар» (1921) шеърда шахсий фожиали ҳаёти охириги нуқтага яқинлашаётганини тасвирлайди:

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,

Ўйнаган бошқалар, инграган менман.

Эрк эртакларини эшитган бошқа,

Куллик кўшиғини тинглаган менман...

...Эркин бошқалардир, камалган менман,
Ҳайвон қаторида саналган менман¹.

Эстетик категорияларда ёзувчининг характери, қобилияти, идеали ва дунёқараши билан ижтимоий-тарихий шароит ўртасидаги тафовут, кураш бадиий сатрларда ўзининг эстетик ифодасини топган.

Диссертациянинг «**Чўлпон эстетикасининг маънавий янгилашидаги амалий аҳамияти**» номли учинчи бобида Чўлпоннинг «Адабиёт яшаса – миллат яшар» ғоясининг фалсафий-эстетик мазмуни, адиб ижодида эстетик идеал категориясининг воқелик ва романтик моҳияти масалалари тадқиқ этилган.

Маънавиятни яратиш, янгилаш ва халқ қалби, онгига сингдириш – ижтимоий-тарихий зарурият. У халқ тарихи, ижтимоий-маданий ҳаёти, дунёқараши ва маърифий фаолияти билан чамбарчас ҳолда тараққий этади.

Чўлпон учун миллий адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, одамлар юриш-туриши, гап-сўзидаги оддий баёнгина эмас, балки ўқиган, эшитган ўқувчи, томошабинда маънавий ҳис-ҳаяжон, туйғу уйғотадиган гўзаллик намунасидир. Шоир барча жадидлар сингари ўзбек халқини жаҳолат ва нодонлик, эркисизлик ва қашшоқлик ботқоғидан қутқаришнинг дастлабки йўли маърифат, деган хулосага келади. Чунки, унинг тафаккурига кўра фақат маърифий билимгина халқни комиллик сари етаклаши мумкин.

Чўлпон учун адабиёт инсон табиати, тақдири, руҳияти, воқеалар, характерлар тафсилоти билан боғлиқ бадиий мулоқот манбаидир. Шоир ана шу фазилати билан ўзининг жамият олдидаги ижтимоий бурчини бажаради, халқ билан бирга, у билан ёнма-ён қадам босади.

Чўлпон Туркистондаги ижтимоий, миллий ҳаёт учун, одамлар қалби ва онгига маърифат нурини олиб кирадиган адабиёт зарурлигини англаган. Бунинг учун у бадиий адабиётнинг деярли барча жанрларида қалам тебратиб, миллий эстетик маданиятга оид бебаҳо асарлар яратишга муваффақ бўлган. Бинобарин, ёзувчи адабиётни – инсоншунослик, ижодкорларни эса инсон руҳининг муҳандислари, деб атайди. Чунки, инсоннинг маънавий оламини кашф этадиган энг қудратли восита – сўз санъати, бадиий адабиётдир. Инсон қалби гўзалликдан қанчалик қувонса, адабиётда гўзаллик, улуғворлик, нафосат шунчалик юксалиб боради; инсон изтиробга тушса, адабиёт ҳам оғир аҳволда қолади, унинг қалбида халқ адабиётни уйғотувчи ва тарбияловчи маънавий-бадиий озуқа сифатида намоён бўлади.

Эстетик идеал – эстетика категорияларининг уйғунлигидан ҳосил бўладиган бадиий сиймо бўлиб, унда эстетиканинг барча категориялари ўз ўрни ва вазифасига кўра иштирок этади, ижодкор истеъдоди, дунёқараши орқали ёрқинликка эга бўлади. Ижтимоий идеал тарихий, сиёсий, мафкуравий хусусиятларга тобе бўлса, эстетик идеал ҳар бир санъат тури ва ижодкор истеъдоди, дунёқарашининг бадиий, образли ифодасидир. Ана шу нуқтаи назардан, Чўлпоннинг эстетик идеали элу юртнинг тақдири ва ҳаёт йўналишларини ўзида акс эттирган бадиий талаб ва истак намунаси бўлди.

¹Чўлпон. Асарлар. I жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 756.

Бадиий адабиётда эстетик идеал икки йўналишда пайдо бўлиши мумкин: 1) халқ онги ва тасаввуридаги идеалларни ўзлаштириш, билиш орқали; 2) ёзувчи хаёли, фантазияси, онги ва дунёқарашининг маҳсули сифатида. Эстетик идеал – ўйлаб топиш ва шунчаки хаёлпарастлик натижаси эмас, балки ҳаётга муносабатнинг ҳис-ҳаяжонли, маънавий-бадиий белгисидир. Эстетик идеал ҳаётини воқеа, қаҳрамонларнинг зарурлигини ўз тили, дили билан исботлайди. У халқни ҳаётни севишга, эъзозлашга даъват этади. Инсон тафаккурининг тортувчанлик хусусияти эстетик идеалнинг ҳис-ҳаяжон, туйғулар билан бадиийлашиши ва таъсирини кучайтиради. Шунга кўра адабиёт ва санъатда эстетик идеал инсоннинг назарий ва амалий тафаккур меваларини бирлаштириб, воқеа, предмет ва инсонга хос хусусиятларда субъект ва объект белгиларини умумлаштиради.

Чўлпоннинг эстетик таълимоти, эстетик идеал эстетиканинг барча категориялари билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, бадиий ижодиётда воқелик билан фантазия, орзу билан умид, эрк ва озодлик, гўзаллик ва улуғворлик сингари тасаввурларнинг ҳис-ҳаяжонли ифодаси билан ажралиб туради. Чўлпоннинг эстетик идеали ниҳоятда бой ва ранг-баранг. У Туркистон табиатининг мафтункорлиги, одамлар орзуси ва ҳаёт гўзаллигини акс эттириши керак, деган ғояни деярли барча асарларида ифодалайди.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида куйидаги назарий хулосаларга келинди:

1. Чўлпон XX аср бошларидаги жадиличлик ҳаракатининг ижтимоий, сиёсий, бадиий, эстетик ғоялари таъсирида етук ижодкор шахс бўлиб шаклланди. Жадиличлик ҳаракатининг маърифатпарварлик, инсонпарварлик, ватанпарварликка йўғрилган, Ватан тараққиёти ва халқ маънавиятини юксалтиришга қаратилган дунёқараши адиб ижодий фаолиятининг асосини белгилайди. Шу боис Чўлпон ёзувчи ва адиб сифатида элга танилди, ижодининг аксарият қисми халқ орасида маърифат ғояларини тарғиб қилишдан иборат бўлди.

2. Чўлпоннинг маърифатпарварлиги кўплаб ижтимоий-сиёсий, маданий, ахлоқий, фалсафий, маънавий, бадиий-эстетик муаммоларни ўз ичига олади. Чўлпон хаёлидаги орзу ва идеалидаги гўзалликни ҳаётда учратмагач, қалб торларини назм ва насрда акс эттиришга интилди. У, ҳатто уйғониб, кўзи очилиб, жамиятдаги воқеаларни кўргач қайғуси янада ошиб-тошиб кетганини ифодаловчи асарлар яратди. Ижтимоий муҳит ва унда яшаётган халққа бундай фалсафий муносабатда бўлиш учун истеъдодли ижодкор бўлиш талаб этилади. Чўлпон ана шундай адиб бўлиб гавдаланди.

3. Чўлпон учун асосий ижтимоий, маънавий вазифа Ватан, миллат учун тобелик йўлини тўсмоқ, эркинлик, маърифатпарварлик, инсонпарварлик, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, таълим-тарбияни ёритиш, халқнинг озодлик ва бахтиёрлик кайфиятларини кучайтириш эди. Шунингдек, шоир ўзбек адабиётини ҳам жанр, ҳам услуб, ҳам тил ва қалб жиҳатидан юксак даражага олиб чиқди.

4. Маърифатпарварликка инсонпарварлик, озодликнинг мезон ва фазилатлари кўшилгач, жаҳидларнинг ижтимоий-сиёсий, миллий, маънавий фаолият фалсафий, ахлоқий, эстетик тус ола бошлади. Чўлпон ижодида эстетик категориялар диалектик алоқадорликда бадиий аксини топди. Унинг воқеликка эстетик муносабати мураккаб табиий, шахсий, миллий ва ижтимоий алоқалар бирлиги асосида шаклланди.

5. Чўлпоннинг эстетик идеали ва бадиий мероси ниҳоятда бой ва ранг-баранг бўлганлиги табиат гўзаллиги, Туркистон жамоли, инсонлар орзуси ҳаётий гўзалликни акс эттириши керак, деган ғоя унинг деярли барча асарларида турфа кўринишда намоён бўлади.

6. Адиб эстетикасининг ижтимоий, ғоявий, бадиий моҳияти ўрганилган ушбу диссертация шуни илмий асослайдики, Чўлпон ижодининг жаҳид маърифатчилиги ва ўзбек адабиётидаги ғоявий, бадиий аҳамияти унинг асарларидаги миллийлик, ҳажмдаги натуралистик кашфиётлар, мажозий, романтик ва реалистик йўналишлар, ижодкор «Мен»ининг асар мазмунига сингдирилиши, халқчиллиги билан ажралиб туради. Чўлпон асарлари ўзбек адабиёти тарихида эстетика категорияларининг шахсий, миллий, ижтимоий, умумбашарий, тарбиявий мазмуни-моҳиятини ифодалаб, инсоннинг бадиётдаги ўрни ва тасаввурини юксак даражага кўтаради.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.F.01.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

УРАКОВА ОЙСУЛУВ ЖАМОЛИДДИНОВНА

**КОНЦЕПТУАЛЬНО-ЭСТЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ
ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТВОРЧЕСТВА ЧУЛПАНА**

**09.00.02 – Философия форм сознания, культуры и практики
(Эстетика)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на доктора философии (PhD) по философским наукам**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована на в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/Fa172

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме) и размещен на веб-странице Научного совета (fs-ik.uz) и на информационном образовательном портале «ZiyoNet»(www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Махмудова Гули Тилабовна**
доктор философских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Болтабоев Хамидулла Убайдуллаевич**
доктор филологических наук
Мухтаров Азамат Мухторович
доктор философских наук

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет...**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 1000174, г. Ташкент, Университетская улица, дом-4, Национального университета Узбекистана, в Здании факультета Социальных наук 5-й этаж, 517-ауд). Тел.:(+99871)227-12-24; факс: (+99871)246-53-21; (+99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (+99871) 236-46-55, факс: (+99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

Н.Х. Хакимов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

Н.Б.Абдуллаева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,
д.ф.н.

М.А. Нурматова

Председатель Научного семинара при наученном совете по присуждению ученых степеней,
д.ф.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации на соискание степени доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Из мировой практики известно, что исследования посвященные Чулпану осуществлялись в Турции, Франции, США, Германии, Японии, России, Казахстане и в других иностранных государствах. Многогранное творчество Чулпана связано с формированием и возвышением сознания, духовного, художественно-эстетического мировоззрения личности, обоснованием большого места, занимаемого театром, литературой и прессой, укреплением принципов формирования эстетического мышления личности в этом процессе.

В условиях сложных социально-политических процессов, протекающих в настоящее время в мире, исследование таких эстетических категории, как добро и зло, прекрасное и безобразное является наиболее актуальной задачей в процессе осознания человеком самого. В этом смысле эстетическое мышление Чулпана значительно также и тем, что оно соответствует духу, призывам, опасностям современности и современным требованиям общества. Подтверждением этому является акцент на творчестве литератора Чулпана, сделанный в речи Президента Республики Турция Реджепом Таййипом Эрдоганом во время визита в Узбекистан 30 апреля 2018 года. Ибо для международных отношений сегодняшнего дня творчество Чулпана имеет концептуальное значение с точки зрения воспитания человека в духе межнационального согласия, толерантности.

В период, когда в стране идет создание демократического государства и гражданского общества, жить, проявляя верность исторической памяти, опираясь на национальные эстетические ценности, является важным культурным критерием возвышающим национальную духовность. Постоянное актуальное значение будет иметь глубокое изучение научного, творческого наследия, объективное исследование философских идей просветителей-джадидов, в частности Чулпана, которые внесли свой вклад в развитие философско-эстетического мышления нашего народа. По существу, дух социальной справедливости, национального патриотизма, жизненного просветительства в произведениях Чулпана не потерял своего воспитательного, художественно-эстетического значения, он и сегодня служит нашему национальному и духовному. «Возьмём к примеру нашего великого соотечественника Абдулхамида Чулпана. Никто на такой высокой ноте не воспевал судьбу нашего народа и трагедию, а также ценности свободы и независимости в начала XX века как этот классический поэт»¹.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 31 мая 2017 года № ПП-3022 «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию сферы

¹Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 9 с.

культуры и искусства», в Постановлении от 13 сентября 2017 года № ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», «Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису» от 22 декабря 2017 года и других нормативно-правовых документах, созвучных данному исследованию, и эстетико-философское исследование художественного творчества Чулпана вносит это свой вклад.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий ИДТ-1 «Исследование национальных, литературных, исторических и религиозных ценностей, национальной идеи, художественно-эстетического воспитания, искусства, материального и нематериального наследия, истории национальной государственности в процессе реформирования и модернизации общества».

Степень изученности проблемы. Поэтические и прозаические произведения, просветительская деятельность, переводы и художественно-эстетическое наследие Чулпана частично изучено в специальных исследованиях литературоведов. Идеино-социальное отношение писателя к действительности, его цели и устремления получили своеобразную художественно-эстетическую интерпретацию в его плодотворном творчестве.

Изучение творчества Чулпана в широком спектре осуществляется в зарубежных странах. Изучали и анализировали многогранное литературное наследие Чулпана такие ученые, как Усман Ходжа огли, Й.Бензинг, Х.Е.Самиоглу, Тахир Шакир огли Чигатой, Х.Узбой, Эдвард А.Оллворт, Темур Хожа огли, Халим Кора, Хисао Кумаку¹. Как отмечает казахский писатель Эсонгали Ровшанов: «Вы помните вечера месяца Овна, когда ушей лошадей не было видно? В тот момент, далеко-далеко, в необъятной дали, далеко от наших взоров внезапно вспыхнула молния, поранив край темного неба, одарив вселенную светом. Через мгновение мир утопает в темноте. Когда я читаю узбекского поэта Чулпана, передо мною предстает тот яркий свет вспышки молнии»².

Основная часть исследований, посвященных деятельности Чулпана, была осуществлена учеными-литературоведами. В частности исследования О.Шарафиддинова, С.Мамажонова, Н.Каримова, Б.Косимова, Д.Куронова способствовали появлению новых направлений «осознания Чулпана» в узбекской литературе. В научных исследованиях С.Йулдошбековой, Д.Неъматовой, Н.Йулдошев, А.Жалолова, М.Йулдошева, Ш.Туйчиевой, У.Султонова отражен ряд идей, посвященных вопросам толкования художественных образов, их смысла и значения в поэзии Чулпана, а также

¹Литература приведена в разделе Список использованной литературы диссертации.

²kh – davron. uz.kutubxona

научно-теоретического и художественного значения его представления о театре.

Исследование социальных, просветительских, исторических, нравственных, духовных и эстетических основ джадидизма осуществлено и в философском контексте. В частности в исследованиях таких отечественных философов, как А.Айматов, Г.Махмудова, Ш.Мадаева, Л. Мухаммаджонова, М.Нурматова, Б.Очилова¹ проанализированы социально-философские основы формирования движения джадидов, нравственно-просветительские взгляды представителей джадидизма и, самое главное, их место в национальном философском наследии.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, в котором выполнена диссертация. Диссертационное исследование соответствует научному направлению, посвященному изучению духовного, исторического наследия в рамках проекта А-1-92 «Философского научного общества» при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека, а также научному направлению «Вопросы теории и истории эстетики» НУУз.

Цель исследования заключается в раскрытии художественно-эстетических особенностей творчества Чулпана, а также системно-функциональный анализ эстетических категорий имеющих концептуально-эстетическое значение в духовном совершенствовании личности и общества.

Задачи исследования:

осуществить толкование теоретико-эстетической сущности эстетического наследия Чулпана, теоретических практических граней эстетических понятий, категорий;

